EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES
Innovative Academy Research Support Center
UIF = 8.3 | SJIF = 5.961 www.in-academy.uz



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗОЛАРНИ ЎТАЁТГАН НАЗОРАТДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Шодмонов Убайдуллохон Тўрахўжаевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминологияси кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник
https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7808169

ARTICLE INFO

Received: 28th March 2023
Accepted: 06th April 2023
Online: 07th April 2023

KEY WORDS

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тушунчаси, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар таъсир даражаси.

ABSTRACT

Мақолада озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, профилактика инспекторларининг озодликдан озод этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолияти муаммолари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган, профилактика инспекторларининг озодлик билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар асослантирилган. Муаллифнинг мазкур масалалар юзасидан турли зиддиятларни бартараф этишга қаратилган фикр-мулоҳазалари илмий ечимини топган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг қонунчилик сохасидаги амалга оширилётган ислохотлар жараёнида жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турларига нисбатан қарши курашишва олдини олиш чораларини кучайтириш билан бирга ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этган шахсларни жамиятдан ажратмаган холда енгилроқ жазога тортиш ва ижро этиш сиёсати илгари сурилмоқда.

Мазкур жараёнлар эса Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишига, унинг натижасида оғир ва ўта оғир жиноятлар жумласига кирувчи жиноятлар сонини камайтирилишига, содир этилган жиноятлар учун айбдорларга нисбатан шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини тайинланишга, яраштирув институтини жорий этилишига замин яратди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларида жиноят-ижроия тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда назоратдаги шахслар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада

такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланганлиги[1], ушбу соҳани янада ривожлантирилишини тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 7 ноябрдаги "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"[2]ги Қарори қабул қилиниб, жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг еттита устувор йўналишлари белгиланди ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида, янги таҳрирдаги Жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилиши вазифаси юклатилди. Қарорда белгиланган назоратдаги шахслар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда назоратдаги шахслар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш каби устувор вазифалар муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо бугунги кунда энг самарали жазо тури сифатида эътироф этилмоқда. "Ҳозирги кунда кенг жамоатчилик, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари жамиятдаги салбий иллатлар учун қўлланиладиган жазолардан айниқса жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан кўпроқ фойдаланиш уларга қарши курашнинг энг самарали йўли эканлигини таъкидлайдилар"[3].

Дарҳақиқат, жиноят содир этган шахсни ахлоқан тузатиш ҳамда у томонидан такрор жиноят содир этилишининг олдини олиш учун энг аввало жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек қилмишга яраша жазо тайинланилиши ёки бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, пробация бўлим (гуруҳ)лари назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ташкил этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилди. Натижада, назорат остидагилар томонидан қайта жиноят содир этилиши камайишига эришилмоқда.

Профилактика инспекторларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолиятида нафақат пробация хизмати билан балки бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда самарали ишни ташкил этади. Профилактика инспекторлари озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006-сон қарори [Элекрон манба]. Кириш йўли: https://lex.uz/ru/docs/4045443 (Мурожаат қилинган сана: 02.08.2022).

[2] https://lex.uz/docs/4045443

[3] Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари.–Т., 2005.– Б. 26.

жазоларни ўтаётган назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолияти тарбиявий-профилактик аҳамиятга эга бўлиб, маъмурий худудда истиқомат қилувчи озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахсларни хулқий жихатдан назорат қилиш, уларнинг махаллада ва оилада ўзини тутиши, жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларига риоя этиши, ҳуқуқбузарликлар содир этмаслигини олдини олиш, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллашдан иборатдир.

Профилактика инспекторлари ушбу фаолият жараёнида асосан, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширади, аммо, чора-тадбирларни амалга оширишда асосий эътиборини пробация бўлимлари, бошқа давлат органлари, соҳавий хизматлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликдаги ишларга қаратиши муҳим шартлардан биридир.

Профилактика инспекторининг озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолиятининг мақсади – жазога тортилган шахсларни ҳулқини назорат қилиш, жазоларнинг ижросини таъминлаш чораларини кўришда пробация хизматига амалий ёрдам бериш, шахсни тўғри турмуш тарзини танлашида кўмаклашиш, ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш орқали махкумларни тарбиялаш орқали уларнинг қайта жиноят содир этишини олдини олишдан иборат.

Профилактика инспекторининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида таҳлилий ишлар муҳим аҳамият касб этади. Ҳусусан шахснинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддаси[4]га асосан тайинланган жазонинг енгилроғига алмаштирилиши муносабати билан жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилиб, пробация ҳисобига қўйилганлигини ўрганиб чиқиб, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфи, жазоларнинг тури, ишга жойлаштирилганлиги, ижтимоий мослашув жараёни ўрганилиб, улар билан тегишли профилактик ишларни режалаштириши мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги норматив ҳужжатлардан келиб чиқиб, озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ўтаётган назоратдаги шахслар билан маъмурий ҳудудда якка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориш профилактика инспекторларининг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади.

Профилактика инспекторларининг озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга хукм этилган шахслар билан ишлаш фаолиятини қуйидаги йўналишларга ажратиб олиш мумкин:

Биринчи йўналиш, назорат қилиш йўналиши, бунда улар махкумларни жиноят ишлари бўйича судларининг хукм ёки ажримида белгиланган чекловларга амал қилаётганлиги, оила ва маҳаллада юриш туриш қоидаларига риоя қилаётганлигини мунтазам текшириб боради, аниқланган салбий ҳолатлар юзасидан пробация бўлимига билдирги асосида маълумот тақдим этади;

[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. https://lex.uz/acts/111453

Иккинчи йўналиш, якка тартибдаги-тарбиявий профилактик ишлар, озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахслар билан профилактик суҳбатлар ва бошқа чора-тадбирларини амалга ошириши;

Учинчи йўналиш, назоратдаги шахснинг ижтимоий мослашув жараёнларини ўрганиб чиқиб, аниқланган муаммолар юзасидан ижтимоий-ёрдам кўрсатиш, ишга жойлаштириш ва уй-жой билан таъминлашда амалий ёрдам бериш ва бошқалар.

Профилактика инспекторининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга хукм этилган шахслар билан ишлаш бўйича асосий вазифалари:

- ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазолар ва шартли ҳукм қилинганларнинг рўйхатини юритиш ва уларни таянч пункти ҳудуд паспортига киритади;

- озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахслар билан якка тартибдаги профилактик суҳбатлар ўтказиб, улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги борасида профилактик-огоҳлантирув ишларини олиб боради;

- жазо ўташ тартиби ва тайинланган чекловларни бузаётганлиги аниқланган назоратдаги шахслар ҳақида пробация бўлимларига белгиланган тартибда маълумот беради;

- озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахсларнинг яқин алоқаларини ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрганади;

- озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган назоратдаги шахсларга маҳалла фуқаролар йиғинларида тарбиячи мураббий бириктирилишини таъминлайди ва муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатади;

- озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар билан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини амалга оширади;

- озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ва яшаш жойида бириктирилган мураббийлар томонидан олиб борилаётган тарбиявий ишлар бўйича маълумотларни олиб умумлаштириб боради ва ушбу йўналишдаги ишларни кучайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилишини ташкил этади;

- пробация хизмати ходимлари билан назоратдаги шахсларнинг иш ва яшаш шароитлари бўйича юзага келадиган муаммолари тўғрисида суҳбатлашади ва уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди;

- пробация хизмати ходимлари томонидан ички ишлар органларига чақирилган ва узрли сабабсиз ҳозир бўлмаган назоратдаги шахсларни белгиланган тартибда боришларини ташкил этади;

- жазодан бўйин товлаб юрган назоратдаги шахслар бўйича пробация ва тезкор қидирув хизматлари билан ҳамкорликда қидириб топиш тадбирларини ҳамкорликда амалга оширади;

- жиноят содир қилишга мойил назоратдаги шахслар ҳақида олган маълумотларини тезкор қидирув хизмати ва пробация бўлимига тақдим этади;

- озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий-маиший жиҳатдан ёрдам кўрсатиш юзасидан хокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар билан ҳамкорлик қилади, бу борада уларга тавсиялар киритади;

Фикримизча, бугунги кунда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва шартли ҳукмни кўпроқ қўлланиши профилактика инспекторларининг бу фаолиятни таъминлашдаги масъулиятларини янада ошириш талаб этилади. Бу ўз навбатида, жойларда профилактика инспекторларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш чораларини амалга ошириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.